Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

6

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Абдусаид КЎЧИМОВ
(масъул секретарь)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(проза бўлими мудири)
Омон МУХТОРОВ
(поэзия бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
(бош редактор ўринбосари)
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
Тўлапберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Шеърият




Асқад МУХТОР
ДОЛ ҚОЯ
Достон

Ўтмишу келажак — бус-бутун.
Тарихнинг қаъридан келар садолар:
Набиралар бахти, камолоти учун
Яшасин дунёда ҳамма боболар!


Ҳикоялар хазинаси

Нодар ДУМБАДЗЕ
ҚОН
Ҳикоя

Инсон қалби унинг танасидан юз баробар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз — одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг қалбимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак: сиз — менга, мен — унга, у эса — бошқа бировга, шу тариқа узлуксиз давом этиши лозим... Токи ҳаёт бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўймасин...



Публицистика



Зиёвуддин АКРАМОВ,
Асом РАФИҚОВ

ОРОЛ МАДАД СЎРАЙДИ
Илмий-публицистик очерк

Орол денгизининг ҳозирги қирғоғи жанубий соҳилдан 40—50, жанубий-шарқий қисмидан эса 80—100 километрдан узоққа чекинди. Нега?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобохон Шарипов

МЕҲНАТ ТАСВИРИ ВА МАЪНО

Халқимизнинг маънавий-иқтисодий ривожи масалаларини муваффақиятли ҳал этиш энг аввало инсон омилига, меҳнат кишисига боғлиқ. Шу боисдан ҳам меҳнат кишиси бугунги адабиётимизнинг бош қаҳрамони эканлиги тамомила табиий ва қонуний бир ҳолдир. Бироқ бадиятда меҳнат кишиси ҳаётини шунчаки қаламга олишнинг ўзи кифоя эмас. Асарда ишлаб чиқаришнинг мураккаб муаммолари тадқиқ этиладими ёки қаҳрамоннинг меҳнатга муносабати кўрсатиладими, энг муҳими — маънавиятимизни бойитадиган, сабоқ бўладиган бир фикр айтиш, меҳнат тасвиридан халқ ҳаёти, маънавий ривож учун муҳим аҳамият касб этадиган маъно чиқара билишда! Шу нуқтаи назардан қараганда ҳозирги қиссачиликка хос бир жиҳат — меҳнат кишиси турмушининг кўлами, зиддиятлари моҳиятини чуқурроқ очишга бўлган интилишдир. Меҳнат замондошларимизда маънавий қониқиш, мамнуният туйғуларини уйғотадими, киши ҳаётидан ўз ўрнини, бахтини топиши учун қандай иш тутиши керак — адиблар ана шулар ҳақида бош қотирмоқдалар. Меҳнат кишиси характерини яратиш услуби, мавзунинг бадиий талқинига кўра бир-биридан фарқланиб турадиган «Яшаш учун кечикма» (Нурали Қобул), «Қудуқ тепасидаги ой» (Ғаффор Ҳотамов), «Истеъфо» (Мурод Муҳаммад Дўст), «Жавоб» (Эркин Аъзамов), «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» (Хайриддин Султонов) каби қиссалар айни шу хусусиятига кўра муштаракдир. Замондошимизнинг меҳнат фаолиятидаги зиддиятлар, бу жараёнда унинг маънавий оламида рўй бераётган ўзгаришлар, фикрлар, ҳис-туйғулар кураши бу қиссалар конфликтини белгилаб бериши билан миллий характернинг муҳим хусусиятларини илғаб олишга ҳам қаратилмоқда.

«Яшаш учун кечикма» қиссасида меҳнат жараёни шунчаки бир фон эмас, балки қаҳрамоннинг ҳаракат майдони сифатида тасвирлангани билан ажралиб туради. Нурали Қобул чўпон йигит Абдумалик тимсолида меҳнатсеварлик, халқ, умум бахт-саодати учун курашиш каби фазилатларни қаламга олади. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик Абдумалик учун ички зарурий эҳтиёжга айланиб кетган. Характерни ичдан нурлантириб турадиган, унга жозиба бахш этадиган бундай фазилат «Истеъфо»даги Эломонов, «Жавоб»даги Элчиев, «Ёзнинг ёлғиз ёдгори»даги Адаш Карвон каби қаҳрамонлар характерига ҳам мос. Бироқ улардан фарқли ўлароқ, Абдумалик ҳалол ишлашнинг ўзи билангина кифояланиб қоладиган пассив одам эмас, аксинча, ҳақиқат, адолат, коммунистик эътиқод тантанаси учун курашчан қаҳрамон сифатида гавдаланади. Зотан, ҳозирги вақтда биргина ҳалол меҳнатнинг ўзи кифоя эмас, балки эзгулик, инсонийлик, ҳақиқат ғалабаси учун кураша билиш ҳам зарур. Давр руҳи, замона нафаси шуни тақозо этмоқда. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида пассивликка яроқсиз иш услуби деб баҳо берилганлиги, кенг томир отган салбий ҳодисаларга қарши курашда принципиал, большевикчасига муросасиз бўлиш кераклиги алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Зеро, киши табиатан танбал экан, нақадар олижаноб, софдил, ҳалол бўлмасин, пассив кузатувчилигича қолаверади, пировардида жамиятимизнинг онгли, актив бунёдкори даражасига кўтарилиш уёқда турсин ўз қадр-қимматини, инсонийлик шаънини ҳам ҳимоя қила олмайди. Айни шу сабабга кўра, Адаш Карвон туҳмат билан қамалганида, умиди, таянчи — ёлғиз ўғлини ўлдириб кетишганида ёвузликка, ноҳақликка қарши оёққа турмайди, ҳатто қотилни кечириш даражасигача бориб етади. Ёки Элчиевни олайлик. У ҳам қобилиятли, ишчан ходим бўлишига қарамай, меҳнатда муваффақиятга эришолмайди, «кичкина одам»лигича қолаверади. Бу ўринда Раҳимжон Отаевнинг қисса

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаҳрамонининг «иқтисодчи ходим сифатидаги фикрлаши аниқ кўринмайди» деган фикри умуман тўғри эканлигини айтган ҳолда, ёзувчи Элчиев ҳаёти ва меҳнати тасвиридан муҳим ижтимоий маъно чиқара олганини таъкидлаш лозим. Ҳалол одамлар ўзларининг пассивликлари, муросасозликлари, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайдликлари оқибатида қобилиятсиз муттаҳам Ҳайдар Самадович сингари олғирларга лавозим, мавқе, обрў эшигини ланг очиб беришларини, бундан эса жамиятга, инсонийликка зиён етишини Эркин Аъзамов ҳаққоний кўрсата олган.

Абдумалик лоқайдлик, ноҳақлик билан муроса қилолмайди. У ҳар қанча таъқибу тазйиқлар бўлмасин, халқ мулкини «туя» қилаётган, бойлик орттираётган нопок кимсаларга қарши курашади, уларнинг кимлигини очиқ айтишдан тоймайди. «Ўз тинчимни ўйлаб эҳтиётқорлик қилсам, давлат, жамоат бойлигини ўмараётганлар билан келишиб ишласам, унда мен нима деган одам бўлдим?» дейди у куйинчаклик билан. Ёзувчи қайси турдаги иш жабҳасини қаламга олмасин ўша соҳадаги меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳаққоний тасвирлай олиши, ўқувчи кўз ўнгида меҳнатнинг жонли манзараларини гавдалантиришга эриша билиши ҳам керак. «Яшаш учун кечикма» қиссасида чорвадорлар меҳнати билан боғлиқ эпизодлар ниҳоятда табиий чиққан. Қаҳратон қиш кунлари узоқ яйловда совхоз раҳбарларининг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги оқибатида ем-хашаксиз очликдан қирилаётган қўйларни омон сақлаб қолиш учун қаҳрамон кўрсатган меҳнат жасорати таъсирчан ифодаланган. Шу боисдан иши кўплигидан, тиними йўқлигидан ўзига қарашга, «ҳатто телпагини қоқишга ҳам вақти бўлмаган» Абдумаликка нисбатан бизда меҳр-муҳаббат туйғулари уйғонади, унга ҳамдард бўлгимиз, оғирини енгиллатгимиз келади.

Меҳнат кишиси характерини яратиш, унинг жамият, муҳит билан ўзаро муносабатларини ёритиш жиҳатидан «Яшаш учун кечикма» қиссасида катта авлод анъаналарига ворисийлик борлигини кўрамиз. Бироқ ворисийлик тушунчаси, рус танқидчиси О. Новикова таъкидлаганидек, фақат устозлар анъанасини давом эттириш билан чекланиб қолмайди, балки янги конфликтлар қидириб топиш ёхуд эски конфликтларнинг янги қирраларини кашф этиш, устозлар билан ижодий баҳсга киришишни ҳам тақозо этади. Бу жиҳатдан «Яшаш учун кечикма» қиссасининг қаҳрамони характерлидир. Ёзувчининг анъанавий конфликтга янгича мазмун бахш этишга интилганлиги чорвадорлар меҳнатининг қийин томонларини давр руҳига ҳамоҳанг тасвирлаганида кўринади. Адибнинг позицияси қаҳрамонларнинг меҳнатга муносабати тасвирида аниқ намоён бўлган. Абдумалик бутун борлиғини ишга сарфлайди, иш деб институтдаги ўқиши ҳам қолиб кетади. Совхоз директори, партком Нарзиев кабилар бўлса, аксинча, ўз манфаатларини кўзлайдилар, ўзлари учун яшайдилар.

Абдумаликнинг укаси Турсунбой қалбида ҳам худбинлик иллатлари ниш отган. Худбинлик инсондаги юксак маънавий ибтидоларни бўғади, кишини бир ёқламаликка олиб келади. Айни чоқда шуни айтиш керакки, кишига маънавий-руҳий оламини бойитиши, қобилиятини ўстириши, ҳар томонлама гармоник ривожланиши учун имконият қолдирмайдиган оғир меҳнатни ҳам тўлақонли, замон руҳига мос деб бўлмайди. Бундай меҳнат ҳам бир ёқламаликка олиб боради, социалистик жамиятга хос буюк идеалларнинг таъсир кучини сусайтиради. Зеро, социализм жамияти меҳнаткашларга маънавий-руҳий ўсиш, қобилиятини яна ҳам такомиллаштириш учун кенгроқ имкониятлар яратишни тақозо этади.

«Яшаш учун кечикма»да меҳнат ва маънавий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ масалалар асар конфликтининг асосини ташкил этади. Ундаги меҳнат тасвиридан ишда меъёр бўлиши кераклиги, кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган бўш вақт билан таъминланиши давр тақозоси деган маъно келиб чиқади. Бу билан «Яшаш учун кечикма» қиссаси камчиликлардан холи экан-да, деган таассурот туғилмаслиги керак. Қиссанинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисида ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Прозамизнинг ёрқин уфқлари» ва ёш танқидчи Мансур Тенглашевнинг «Шундай яшар одатда одам...» мақолаларида ўринли мулоҳазалар билдирилган. Айни чоқда уларда айрим баҳсли фикрлар борлигини айтиб ўтиш керак. Хусусан, М. Тенглашев: Абдумалик инсон сифатида барча кучли ва ожиз томонлари билан ишонарли тасвирланган, деган фикрни ўртага ташлайди. Тўғри, ёзувчида шунга интилиш бор, аммо қаҳрамон характерини психологик далиллашда муаллифнинг изланишлари ҳар доим муваффақиятли якунланган деб айтиш қийин. Абдумалик, шунингдек Нурилла характери таҳлилида ёзувчи баёнчиликка йўл қўйган, меҳнат машаққатлари туфайли қаҳрамон қалбида юз бераётган зиддиятли туйғулар олишувини етарли даражада изчиллик ва теранлик билан ёритмаган ўринлар учрайди. Чўл, яйлов шароитида кун кечириш учун ҳатто оддий шароитлар йўқлигига, меҳнат машаққатларига, боринги, жафо чекканига қарамай, Абдумалик ҳеч қачон иккиланмайди, ички дунёсида ҳолат ўзгаришлари рўй бермайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги ёшлар қиссачилигига хос муҳим фазилатлардан бири шундаки, уларда инсон ҳаёти яхлит, бир бутун ҳолда тасвирланмоқда, ҳаётий конфликтлар муҳим ахлоқий-маънавий масалаларга боғланиб кетмоқда. «Қудуқ тепасидаги ой» қиссаси конфликтига қаҳрамонларнинг амалий фаолияти билан жамиятимизнинг ғоявий-маънавий идеаллари ўртасидаги мулоқот асос қилиб олинган. Ғаффор Ҳотамов Ҳакимбек характери орқали янги давр руҳига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин қарор топаётган давр талабига зид келиб қолган хусусиятларни қаламга олади, халқнинг орзу-умидларига лоқайдлик, халқ идеалларига беписанд қараш инсонни фожиага етаклашини кўрсатади. Ҳакимбекнинг характер хусусиятлари, ички дунёси у яшаётган муҳитга мос равишда тасвирланади, хатти-ҳаракатидаги ўзгаришлар кўпинча ўша муҳитда содир бўлаётган воқеалар ривожидан келтириб чиқарилади. Профессор Очил Тоғаевнинг «Ҳалоллик сотилмайди» мақоласида таъкидланганидек, ёзувчи Ҳакимбек тушиб қолган давранинг ижтимоий-маънавий оқибатларини ҳаққоний тасвирлайди ва шу тасвирга руҳий дунёмизни бойитадиган, сабоқ бўладиган маъноларни узвий сингдириб юборади. Бироқ мунаққид Ҳакимбекнинг ҳалол меҳнатдан воз кечиб, нопоклик, ҳаромхўрлик йўлига киришининг биринчи сабабини колхоз раиси Зобитов билан боғлайдики, бунга қўшилиш қийин. Кишининг ўзида мойиллик бўлмаса, уни нопок йўлга тортиш қийин. Демак, аслида пул, мол-дунё олдида тиз чўкиш, виждон даъватига қулоқ осмаслик Ҳакимбекнинг шахс сифатида емирилишига, инқирозга, маънавий мағлубиятга олиб келади.

Ҳалол меҳнатни улуғлаш, меҳнатсиз роҳатни кўзловчи худбин, мешчан одамларга муросасизлик, эзгу мақсадлар тантанаси учун кураш — ҳозирги қиссаларда миллий характернинг бош хусусияти сифатида тасвирланмоқда. Шунга қарамай, меҳнат моҳияти юзаки тадқиқ этилаётган, қаҳрамонлар характери мавҳум бўлиб қолаётган қиссалар ҳам учраб туради. Уларнинг конфликти ё ясама асосга қурилади ёки шунчаки меҳнат можаросидан нарига ўтмайди. Баъзи қиссаларда мавзу ўта жўн, сийқа, ахборот тарзида баён этилмоқда. Муаллифлар бундай ҳолларда қаҳрамонларнинг меҳнат фаолияти тадқиқига севги можаролари билан боғлиқ воқеаларни, ёки, аксинча, қаҳрамоннинг шахсий-интим ҳаётига унинг меҳнат шижоатини тавсифловчи эпизодларни «илова» қилиш билан ўзларини оқламоқчи бўладилар. Бундай нуқсонлар кейинги йилларда бошловчи, ёш қаламкашлар маҳсулларидагина эмас, балки анча тажрибали, гоҳо истеъдодли ёзувчиларимиз ижодида ҳам учрай бошлагани ташвишли бир ҳолдир. Ёш қаламкаш Ёқут Раҳимованинг «Кўришгунча, хайр!», Самар Нуровнинг «Раис», Неъмат Ёқубовнинг «Хазина султони» қиссалари фикримизнинг далили бўла олади. «Кўришгунча, хайр!» қиссаси, унга ёзилган сўзбошида айтилганидек, «адабиётимизда кам ишланган ишчилар мавзуини ёритилишига бағишланган», кейинги қиссаларда бўлса пахтакор меҳнати қаламга олинган. Ниҳоятда олижаноб ният! Хўш, муаллифларимиз ишчилар ёки пахтакорлар ҳаёти тасвиридан замона учун зарур муаммолар чиқаришга эриша олганми, меҳнат кишилари тасвири фикримизни теранлаштириб, туйғуларимизни бойитадими? Бу саволга жавоб бериш учун мазкур қиссаларни қисқача таҳлил этишга тўғри келади.

Ёқут Раҳимованинг қиссасида меҳнатни тавсифлашга бағишланган қатор-қатор эпизодлар бор, ёғ-экстракция заводидаги иш шароитини кўрсатиш учун «фузатенкер», «биттер-сепаратор», «центрифуга» ва шу сингари қатор терминлар қўлланилган. Уларнинг маъносини англаш учун китобхон махсус луғат қидириб қолиши турган гап. Аммо асарда ишлаб чиқариш жараёнларининг қаҳрамонлар маънавий дунёсига ўтказаётган таъсири ёритилмаган, қаҳрамонларнинг ўзи эмас, иш жараёни биринчи планга чиқиб қолган. Ваҳоланки, Ф. Энгельс айтганидек, «шахсни характерлаш учун унинг нима қилаётганини кўрсатиш оз, бунинг учун унинг ишини қандай қилаётганини ҳам кўрсатиш керак». Муаллиф меҳнат кишиси характерини яратишда йўл қўйган камчилигини севги можаролари тавсифи билан «тўлдиришга» ҳаракат қилади. Аммо бунда ҳам изчиллик йўқ. Ҳусан — Гули — Мирҳаб муносабатлари баёнида кетма-кет мантиқий зиддиятларга йўл қўйилади. Гарчи Гули хаёли, пок бир қиз сифатида қаламга олинса-да, унинг хатти-ҳаракатлари енгилтак қизларни эслатади. Қиз Мирҳабни севишига қарамай, ҳадеб Ҳусанни қўмсайверади: у лоқайдлик қилганида «юраги вайрон бўлади», «қандайдир ҳаяжонга» тушади. Хуллас, шу тариқа «ишчилар мавзуига» бағишланган асарнинг ярмидан кўпини тутуруқсиз икир-чикирлар баёни эгаллаган. Замонавий ўзбек ишчиси қиёфаси, ишлаб чиқариш муаммолари ўзининг бадиий ифодасини топмаган. Қаҳрамонларнинг меҳнат фаолиятлари билан интим ҳаёти тасвирида уйғунликка эришилмаган. Муаллифнинг ишчилар ҳаётини чуқур ўрганмаганлиги, муҳим ҳаётий материални бадиий ўзлаштиришда маҳорати етишмаганлиги кўриниб турибди.

Характер яратишда халқимизнинг асосий бойлиги, миллий ифтихори ва интернационал бурчи — пахтачилик муаммоларини таҳлил этиш катта роль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйнайди. Пахтакор меҳнати мазмунида содир бўлаётган ўзгаришлар деҳқонларимизнинг ҳаёт тарзига катта таъсир ўтказмоқда, натижада миллий характерда янгиланиш жараёни тезлашмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва кейинги пленумлари бу жараёнга янги сифат ўзгаришлари киритди. Бироқ, афсуски, ёзувчиларимиз пахтакор меҳнати тасвирида ҳар доим ҳам замон билан баравар қадам ташлаяптилар, деб айтишимиз қийин. Айрим қиссаларда қаҳрамон бажарган ишлар жуда жўн, юзаки ёритилганини кўрамиз. Ваҳоланки, қаҳрамоннинг ишлари негизида турган омиллар уйғун ёритилсагина характер таъсир кучига эга бўлади. Реалистик сўз санъатининг шу талабини унутиш натижасида қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятини ёркин очиш мумкин бўлган ҳолатлар четлаб ўтилади. «Раис» қиссасида меҳнат машаққатлари, шу туфайли қаҳрамон қалбида рўй бераётган ўзгаришлар муаллиф эътиборидан четда қолган. Персонажларнинг фаолияти ҳаёт мантиғидан келиб чиққан ҳолда далилланмайди, пахтакор меҳнати ниҳоятда осон, енгил иш сифатида тасвирланади. Тўғри, баъзи ўринларда пахтакор касбининг чигалликлари тўғрисида мулоҳазалар билдирилади. Масалан, Мамажон: «Сочни оқартириш эмас, тутдай тўкиб юборади бу оппоқ пахтанинг қора меҳнати», дейди. Аммо бу хулоса қаҳрамонлар тақдиридан келиб чиқмайди, меҳнат тасвирига сингдириб юборилмайди. Пахтакор меҳнатини бундай бир томонлама кўрсатиш ҳаётий материални чуқур билмаслик ва қишлоқ киши̇си изланишларини қалб туғёни, дард билан қаламга олмаслик натижасидир.

«Хазина султони» қиссаси муаллифи Неъмат Ёқубов таниқли журналист ва тажрибали ёзувчиларимиздан ҳисобланади. У республика далаларини кўп кезган, бўлғуси қаҳрамонлари билан яқиндан суҳбатлашган, бинобарин, пахтакор меҳнатининг машаққатларини яхши билади. Қиссага ҳаётда катта қаҳрамонлик кўрсатган, меҳнатсевар пахтакор Исомиддин Арабовнинг фаолияти асос қилиб олинган. Бироқ, шунга қарамай, ёзувчи танлаган ҳаётий материални бадиий ўзлаштиришда муваффақиятга эришолган, деб айтиш қийин. Неъмат Ёқубов қаҳрамонидаги фидойиликни, меҳнатсеварликни улуғлайман деб гоҳо ортиқча муболағаларга йўл қўяди. Масалан, Арабов ёшлик вақтларида бир кунда беш юз қирқ икки кило пахта тергани, яна бир ўринда эса инвалидлигига қарамай, беш гектар ернинг ғўзасини қўлда чеканка қилиб чиққани айтилади. Ҳолбуки, чеканкани машина тез ва соз бажаришига Арабовнинг ўзи гувоҳ бўлади. Шундай экан, нега у чеканкани қўлда ўтказишга қарор берди? Ахир, саратон иссиғида ғўзанинг орасига киришнинг ўзи мушкул иш — иссиқ ҳовурдан одамнинг нафаси қайтиб кетади. Боринги, шундай бўлган тақдирда ҳам бу ҳолат қаҳрамон ички дунёсидаги зиддиятли ўйлар орқали психологик асосланмоғи керак эди. Қиссадаги даштда янги ер очиб, пахта етиштириш билан боғлиқ эпизодларда ҳам юзакилик мавжуд. Шунга қарамай, танқидчиликда мазкур қисса ҳақида ортиқча мақтовлар айтилди. Хусусан, Нурмуҳаммад Холлиевнинг мулоҳазаларида мақтовга мойиллик сезилади. Мунаққид ёзувчи «Исомиддин Арабов образида... руҳи соғлом одамнинг маънавий бой қиёфасини гавдалантиради», «ҳаётимизда учрайдиган айрим иллатларни дадил очиб ташлайди» каби тавсифларни келтиради-ю, конфликт, характер ривожида йўл қўйилган мантиқий зиддиятлар, асосланмаган ҳолатларни эътибордан четда қолдиради. Қисса таҳлилида мана шулар ҳақида кенгроқ фикр юритилганида мунаққиднинг фикрлари ёзувчи учунгина эмас, «бошқалар учун ҳам қимматли бўларди». Зеро, танқидчиликда бағрикенглик, меҳрибонлик билан бир қаторда талабчанлик, принципиаллик ҳам зарур фазилат ҳисобланади.

Ҳозирги қиссаларга хос муҳим бир хусусиятлар шундан иборатки, меҳнат кишисининг касб-кори доираси кенгайиб кетди. Илгарилари кўпинча ишчи, деҳқон, пахтакор ҳаёти тадқиқ этилган бўлса, эндиликда зиёлилар турмушини ёритишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Райком секретари (Ўлмас Умарбеков «Дамир Усмоновнинг икки баҳори»), раҳбар ходим (Мурод Муҳаммад Дўст «Истеъфо», Ўктам Усмонов «Қисмат»), журналист (Фарҳод Мусажонов «Душанба, нонуштадан сўнг», Турғун Пўлат «Ичкуёв»), студент, иқтисодчи (Эркин Аъзамов «Отойининг туғилган йили», «Жавоб»), ношир (Зоҳир Аълам «Илк баҳор кунлари»), олим (Ғаффор Ҳотамов «Қайтиш», Суннатилла Анорбоев «Умр») — мана кейинги йилларда яратилган қиссалардаги қаҳрамонларнинг унча тўла бўлмаган рўйхати. Бу асарларнинг кўпчилигида меҳнат ва инсон маънавий ҳаёти узвий боғлиқликда тасвирланмоқда. Қаҳрамоннинг меҳнат фаолияти тасвирида муҳим ҳаётий муаммолар, ахлоқий-маънавий масалалар кўтариб чиқилмоқда.

Ҳалол меҳнатни улуғлаш, меҳнатсиз роҳатни кўзловчи худбин, мешчан одамларга муросасизлик, энг эзгу, олижаноб, инсоний мақсадлар тантанаси учун кураш ҳозирги қиссаларда характернинг бош хусусияти сифатида талқин этилмоқда. «Отойининг туғилган йили»даги Асқар, «Қайтиш»даги Акрам характерида, уларнинг ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатларида, фаолиятида, ҳаётий

www.ziyouz.com kutubxonasi

муаммоларни ҳал қилишга ёндашувида бу хусусият ёрқин сезилади. Гарчи бу асарлар меҳнат мавзуини тадқиқ этиш жиҳатидан турлича савияда ёзилган бўлсада, уларда замон нафаси уфуриб туради. Характерлар конкрет тарихий шароитга боғлаб кўрсатилади.

Асқар ҳам, Акрам ҳам ҳаётда актив позицияда турувчи, турмушга жамият, элюрт манфаатлари, ҳалоллик ва поклик нуқтаи назаридан ёндашувчи қаҳрамонлардир. Улар илм-фан, жамият ривожига ижобий таъсир этадиган, ижодкорга чинакам маънавий қониқиш бахш этадиган меҳнат тарафдорларидир. Уларнинг тақдири билан танишар эканмиз, нопоклик, ифлослик, қабоҳат билан муросасозлик қилиш мумкин эмаслигини, ҳатто муросасозлик тўғрисидаги фикрнинг ўзи ҳам жиноят эканлигини чуқур ҳис қиламиз. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар иккала асарда ҳам бу фикр декларатив тарзда эмас, балки жонли характерлар орқали юзага чиқарилади.

Асқар ўзи яшаётган муҳит билан чамбарчас алоқада тасвирланади. Чаласавод домла Аҳмадхонов, ҳеч кимга қарши чиқмайдиган, хушомадгўй Муҳиддин, чўпон отасининг қўйлари ҳисобига ўқиётган ичиқора Жовли, ҳаёт мазмунини ташқи ялтироқликдан иборат деб биладиган ичи пўк Матлуба, Акбарова сингари мешчанлик ботқоғига бота бошлаган қизлар, билимли, ҳалол домла Убайдуллаев, қалби гўзал туйғуларга бой Рахшона — буларнинг ҳаммаси Асқар яшаётган муҳитни характерлайдиган образлар. Уларнинг асл қиёфаси, маънавий дунёси меҳнатга муносабатда намоён бўлади ва манфий ёки мусбат қутбларга ажралади.

«Қайтиш»да ҳам худди шундай ҳолатни кузатамиз. Бир томондан, Акрамнинг жуда муҳим масалани илмий тадқиқ этиши, лекин унинг устозини кўролмайдиган ҳасадгўй, нопок одамлар томонидан диссертациянинг йўққа чиқарилиши яхшилик билан ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, ҳалоллик билан нопоклик ўртасидаги курашни кескинлаштиради. Иккинчи томондан, севгида ҳам Акрамнинг омади келмайди — сотувчи бўлиб ишлайдиган севгилиси Хосиятнинг номуси маънавий тубан кимсалар томонидан топталади. Ғаффор Ҳотамов Хосият фожиасининг илдизларини яхши очади. Қиз табиатидаги енгилтаклик, меҳнатсиз шон-шуҳрат, роҳат-фароғатга интилиш иллати уни тубанлик кўчасига етаклайди. Хосиятнинг қалб изтироблари, руҳий олами яхши очилган. Ёзувчи мўмай даромад, ҳаром йўл билан топилган бойлик маънавий қашшоқликка, фожиага олиб келишини тўғри кўрсатади.

Шу тариқа ҳозирги қиссаларда ҳаётнинг муҳим муаммолари, ахлоқий-маънавий масалаларига катта эътибор берилмоқда. Адибларимиз совет кишисининг гражданлик позициясини шакллантириш, китобхонни курашчанлик, ижтимоий фаоллик руҳида тарбиялаш мақсадида қалам тебратмоқдалар. Энг яхши қиссаларнинг ижобий қаҳрамони халқ равнақи йўлида коммунистик эътиқод асосида меҳнат қиладилар, турли иллатларга қарши кураш жараёнида чиниқиб, руҳан бойиб борадилар.

Меҳнат мавзуидаги қиссаларда йўл қўйилаётган схематизм («Қайтиш»да Хосиятнинг аварияга «учратилиши» йўли билан севги линиясидаги конфликтнинг очилиши), меҳнат машаққатлари билан боғлиқ зиддиятларни охирига етказмаслик («Қайтиш»да Акрамнинг илмий фаолиятига доир масалаларнинг эътибордан четда қолиб кетиши), ҳаётий конфликтлар танлай билмаслик, меҳнат тасвиридан катта ижтимоий маъно чиқара олмаслик («Хазина султони», «Раис»), характерлар таҳлилида мантиқий узилишларга, баёнчиликка, китобийликка йўл қўйиш каби тўлақонли характер яратишга халақит бераётган камчиликлар изланишлар жараёнида аста-секин бартараф этилмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган қиссалар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, ёзувчи меҳнат кишиси ҳаётини замон билан, кўпчиликни тўлқинлантираётган масалалар билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирлаган тақдирдагина муваффақиятга эришиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi